



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 4-sentabr №36 (4331)



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ БАХТИ

Мамлакатимизнинг барча мактаб ва лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртиларида янги ўқув йилининг илк соатларини маънавият сабоқлари билан бошлаш истиқлол йилларининг эзгу қадриятига айланиб қолди. Мустақиллик дарслари — озода Ватан фарзандининг бахт-саодати, осмонимиз мусаффолиги, истиқлол яратган бунёдкорлик самаралари боқийлиги қандай омилларга боғлиқ эканини идрок этиш сабоқлари ҳамдир. Ватанни севиш, ўзликни англашдан ҳам улуг бахт борми?! Ўзликни англаб етган, шавкатли аждодларини таниб, Ватаннинг бой тарихини теран ўрганган фарзанд она юрти мустақиллигини кўз қорачигидек асрашга ҳамиша тайёр туради. Истеъдоди, илм эгаллаш ва ижод йўлидаги изланишлари, куч-қудрати, маҳорати билан юрт номини шарафлаб, миллат маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшади.

Ўзликни англаган фарзанд, агар у аскар бўлса, чегараларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилувчи шахс сифатида камол топади. Агар у посбон бўлса, эл осойишталиги йўлида жонини ҳам аямайди. Агар у олим бўлса, Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбекдек шавкатли боболари каби жаҳоншумул кашфиётлари билан илмий тамаддун ва умуминсоний тафаккур хазинасини бойитади. Агар у бетакрор истеъдодли шоир ёки адиб бўлиб етишса, ҳазрат Навоий, Лутфий, Қодирий ва Ўлпон каби миллат маънавияти ва маданиятининг бе-назир сиймолари сафидан жой олади.

Агар у спортчи бўлса, боши узра юрт байроғини ҳилпиратиб, елкаси ер искамайдиган полвонлар сафини тўлдирди, фарзандлар руҳиятида аждодлар шавкати уйғотиб, енгилмас темирйи баҳодирлар наслини камол топтиради. Агар у саркарда бўлса, Соҳибқирон бобомиз каби осмонимизни мусаффо, эл-юртимизни бахтиёр айлаб, ўзбек давлатчилиги шухратини оламга ёяди.

2 сентябр эрта тонгда бўлиб ўтган Мустақиллик дасрларида меҳрибон муаллиму мураббийлар, тажрибали устозлар қатори қалби фахрийфтихорга тўлиб иштирок этган меҳнат фахрийлари, ижодкорлар, олимлар, санъатимиз намоёндалари эл фарзандларига ана шу ҳақда сўзлаб бердилар. Янги ўқув йилида қарийб ўн мингга яқин умумтаълим мактабларининг биринчи синфига қадам қўйган 631 мингдан зиёд ўғил-қизларга 12 номдаги ўқув қуроллари, дарсликлар ва ўқувчи сумкасида иборат Президент совғасининг тантанали топшириш маросимларида иштирок этдилар. Ўтган йигирма тўрт йил мобайнида эришилган маънавий тараққиёт ва бекиёс бунёдкорлик самаралари, асрларга татигулик ўзгаришлар мисолида мустақиллигимиз моҳиятини жонли ифода этиб, ёш юракларда озоқлик туйғусини алангалатдилар.

Инвестиция дастури доирасида янгидан қурилган, реконструкция қилинган ва капитал таъмир-

ланиб янги қиёфа касб этган 380 дан ортиқ мактаб ўқувчи ва муаллимларининг қувончи ҳам чексиз. Замонавий билим масканлари энг сўнгги русумдаги компютерлар, ўқув лабораториялари билан жиҳозланиб, барча зарур шaroитлар муҳайё этилган. Самарқанд давлат чет тиллар институти, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, Қўшрабoт иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежи, Жиззах давлат педагогика институти, педагогика касб-хунар коллежида талаба ёшлар билан бўлиб ўтган жонли мулоқот, самимий суҳбатларда мустақиллик дарслари иштирокчилари бўлган шоир ва адиблар, олимлар Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида", "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажиги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" китоблари, 2014 йил май ойида Самарқандда бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти" мавзuidaги халқаро конференциянинг очилиш маросимидagi нутқи, шунингдек, мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзининг мазмун-моҳияти, уларда илгари сурилган гоёларга алоҳида аҳамият қаратиб, ҳаётий мисоллар орқали таъсирчан ифода-лаб бердилар.

Истиқлолимиз моҳиятини идрок этиш сабоқлари давом этмоқда. Юртбошимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида "Биз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, бунинг негизидa аввало тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачигидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаятган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам иродаси мужассамдир", деб таъкидлаганидек, ана шу ойдin йўлнинг фидокор давомчиларини тарбиялаш, камолга етказиш биз учун ҳамиша улуг мақсад бўлиб қолаверади.

Бинобарин, шундай улуг мақсад билан яшайётган, қалбидаги орзу армонлари, пок ниятлари авлодлари руҳиятига сингдириб, уларнинг тимсолида Ватаннинг эртанги истиқболини кўра олган, она юртини жонидан ҳам ортиқ севгувчи фарзандларни камолга етказган миллатгина мамлакат мустақиллигини абадий сақлашга қодир бўлади.

М.АБДУЛЛАЕВ



Биринчи дарс ҳаяжонлари

МАҲТУ САОДАТ

Ифтихор

Тарих — таржиман ҳоли миллатнинг, Кўхна саҳифалар сўйлайди ҳикмат. Шу мунис халқ эрур пайванди жонинг, Туғилган тупроғинг — покиза қисмат. Бир сўз қуёш янглиғ порлар дафъатан. Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

Қадим буюк элсан — мардлик бобида Асрлар суронин айламоққа ҳал. Соҳибқирон бобо шиддату шахтин, Қай қалам битишга қодир мукамал, Ватан матонатдир тугамайди, Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

Адоқсиз фалакда Султон Улуғбек, Кашф этган юлдузлар нур сочар порлаб. Комил саодатга етсин деб диллар, Самарқанд осмони турибди чорлаб. Уйғоқ сайёралар айлар анжуман, Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

Ҳар юрак англаши зарур ҳикмат бу — Кўнгил обод бўлса, Ватан ободдир. Ватан кўрки учун заҳмат чекмоғлик Асл тирикликдир, асл ҳаётдир. Садоқат ялови ҳилпирайди шаън, Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

Истиқлол, юрагим, қароғимдасан, Жисмимда аждодлар руҳидан хитоб. Халқим, дуоларинг ижобат доим, Бошингдан кетмаёй саодат — офтоб. Руҳ абад, тупроққа айланади тан, Ватан боқий эрур, азиздир Ватан.

Ғайрат МАЖИД

мустабид шўро даврида ғорат қилинди. Шаҳрисабз қалъасини йўқ қилиш учун унинг ёнида гишт заводи қурилиб, тупроғи ишлатилди...

Яқин кечмишимизда, кўз ўнгимизда рўй берган бу каби кўргуликлар бизни ҳам фикр, ҳам шукр қилишга ундайди. Шукрки, мустақиллик бўлиб, тарихимиз, меъморий обидаларимиз ҳам эъзоз топди. Тарихан қисқа давр ичида юртимизда, шу жумладан, кўхна ва навқирон Шаҳрисабзда бўлган ўзгаришларни бир нафас тасаввур таҳлилидан ўтказсангиз, кўнгил қувонч ва ифтихор туйғуларига тўлади.

— Бугун Шаҳрисабздаги тарихий ўзгаришларда бевосита иштироки бўлмаган одамни бу ерда топиш қийин, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдурасул Сафаров. — Шаҳрисабзликлар бу ёруғ кунларни асрлар давомида кутган-ди, десам муболага бўлмайди. Муҳтарам Президентимизнинг фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари асосида ишлаб чиқилган янги бош режа Шаҳрисабз шаҳрининг қайта қурилиши учун пойдевор бўлди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Кўхна ва навқирон Самарқанд деярли бир ҳафта мобайнида оҳанглар оғушида яшади. Шаҳарнинг деярли барча гушаларида, хусусан улуғвор Регистон майдони, "Мўъжиза" ва "Ниҳол" амфитеатрларида, "Ёшлик", "Шаббода", "Сўғдиёна" истироҳат боғларида, Самарқанд, Оқдарё, Жомбой ҳамда Тойлоқ туманларида турли тилларда янграган кўшиқлар, дилбар оҳанглар барчага бирдек шоду хуррамлик улашди, тингловчилар қалбида гўзал ҳислар уйғотди.

ХАЛҚАРО МУСИҚА АНЖУМАНИ ЯКУНЛАНДИ

Дунёнинг 66 мамлакатидан келган хонандаю созандалар танлов доирасидан ташқарида ҳам ўзаро ижодий мулоқотларни давом эттирдилар. Бундай мулоқотлар чоғида хорижий давлатлардан келган турли миллат вакиллари бир-бирларининг musiқа хазинасидан баҳраманд бўлдилар, ўзаро тажриба алмашдилар, биргаликда қуйладилар. Шу тариқа "Шарқ тароналари" фестивали юртларни юртларга, тилларни тилларга, дилларни дилларга туташтирди. "Биз дунёнинг турли бурчакларидан келган санъаткорлар билан яқиндан танишдик, биргаликда қуйладик, бир-биримизнинг созларимизни қилиб кўрдик, — дейди янги зеландиялик Маака Похату. — Регистондек маҳабатли



майдонда қуйлашга мушарраф бўлди. Бундан жуда бахтиёримиз". Бу каби эътирофларни ҳар бир қатнашчидан эшитиш мумкин.

Шаҳардаги тарихий обидалар, бугунги бунёдкорликлар маҳобати ва салобати билан меҳмонларни улуғвор гўзаллик, бекиёс санъат намунаси сифатида ҳайратга солди. Шунингдек, тадбир доирасида ўтказилган хунармандлар томонидан яратилган турли буюмлар, миллий чолғу асбоблари кўргазмаси ҳам халқимизнинг азалий қадриятлари ва анъаналарини намойиш қилиб барчада катта қизиқиш уйғотди.

Давоми бешинчи саҳифада.

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан ШАҲРИСАБЗ ҲАЙРАТЛАРИ

Истиқлолимизнинг йигирма тўрт йиллик айёмини барча юртдошларимиз қатори шаҳрисабзликлар ҳам мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишлари билан кутиб олишмоқда. Шаҳар кундан-кунга ўзгариб, чирой очмоқда.



Етти иқлимга маълум ва машхур, Самарқанду Бухоронинг тенгдоши бу юрт номи дунёга танилган кўплаб даҳоларга бешик бўлди. Қадимий Юнон солномаларида ёзилишича, бундан салкам йигирма тўрт аср муқаддам келган Искандар Мақдуний, ям-яшил боғларга бурканган Шаҳрисабз ободлигини кўриб, ҳайратланган экан. Соҳибқирон Амир Темур ҳам Ватанни босқинчилардан халос қилиш йўлидаги курашларни шу тупроқдан бошлаган.

Кўхна шаҳарнинг мана шундай улуғвор тарихи собиқ шўро тузуми мустабидларини кўркувга солгани боис, халқимизнинг юксак салоҳияти, ғурури рамзи бўлган тарихий обидаларни йўқотишга уринган. Бетакрор Оқсарой айнан

ХАЛҚАРО МУСИҚА АНЖУМАНИ ЯКУНЛАНДИ



Бошланиши биринчи саҳифада.

Фестивал доирасида ташкил этилган илмий анжуманда асосий эътибор Шарқ халқлари

миллий музика маданиятини асраб-авайлаш, уни авлодларга безавол етказиш каби қатор долзарб масалаларга қаратилди. Бундан буён музикашунос

олимлар ва мутахассисларнинг ҳамкорлигидаги изланишлари шу йўналишда давом этади. Кувонарлиси шундаки, ер юзи сайқали бўлмиш Самар-

қанди биринчи марта кўрганлар, албатта, яна келиш истагида эканликларини изҳор қилдилар. Аксарият санъаткорлар ва меҳмонлар Ўзбекистонда бундай катта анжуманининг ўтказилиши мамлакатда маданият ва санъатга берилган юксак эътибор натижаси эканини мамнуният билан қайд этдилар. Дарҳақиқат, ҳар бир ўтаётган кунимиз байрамлар, тантаналар, анжуманлару фестиваллар нури билан мунававар. Ўтган ҳафта охирида ўз ишини яқунлаган "Шарқ тароналари" халқаро музика фестивалининг ёрқин нурлари ва музикаий садолари навбатдаги анжуманга қадар жилоланиб туришига шубҳа йўқ.

Фестивал танлови давомида иш олиб борган нуфузли ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра бош соврин — Гран-при Хитойнинг "Jiangsu Womens Orchestra" гуруҳига топширилди. Япониянинг "Shamisen" гуруҳи биринчи, Польша ва Эстония вакиллари иккинчи, Коста-Рикадан келган санъаткорлар эса учинчи ўринни эгаллашди. Қорақалпоғистоннинг "Айқулаш юлдузлари" гуруҳи ЮНЕСКОнинг махсус мукофотига сазовор бўлди.

Муқимий номидаги ўзбек давлат музикали театрининг етакчи актёрларидан бири Мирза Азизов ўз мухлисларига эга санъаткорлардан. Сўнги йилларда кинода яратган турли характердаги образлари ҳам халқимиз тилига тушди. Музикачилигимизнинг 24 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида кўра, Мирза Азизов Ўзбекистон Республикаси халқ артисти унвонига сазовор бўлди. Шу муносабат билан санъаткор мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

ИЗЛАНИШГА ДАЪВАТ

— Ўз касбини жон-дилидан севган ҳар қандай одам бор иқтидори, имкониятини танлаган соҳаси ривожига сарфлаб, ижод қозонида қайнар экан, қилаётган иши юртига, халқига қанчалар фойда келтираётганини билмайди. Ҳар кунги оддий меҳнатим Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан юксак мукофот билан тақдирланганидан нихотда бахтиёрман. Бугун дунё нотинч бўлиб турган, ҳатто ривожланган давлатларни ҳам иқтисодий тангликлар четлаб ўтмаётган бир пайтда тўкин дастурхон атрофида тинч-фаровон яшаётганимиз, кексаларга кўрсатилаётган иззат-ҳурмат, ёшларга берилган эътибор, айниқса, кўплаб санъат ва музика, спорт мактаблари қурилиб, болаларимиз ихтиёрига топширилаётгани Юртбошимизнинг оқилона сиёсати самарасидир. Шу тўғрисида ҳам биз ота-боболаримиз кўрмаганларни кўриш бахтига мушарраф бўлаёмиз.

Ҳақиқий жаннатмонанд юртимизнинг дунёда қиёси йўқ. Тинч-мусоффо осмон остида яшаётган юртимиз байрамлар, тўй-томоналарга бой. Демак, санъат аҳли хизматига эҳтиёж бор. Бу бизга ҳушқайфият бахш этади.

"Уста умрининг охиригача уста бўлиб қолади", деган гап бор. Бунинг маъноси — у ҳеч қачон меҳнатдан, яратишдан тўхтамаслиги керак, дегани. Санъаткорнинг ҳам "биз ишимизни қилиб қўйганимиз", дейишга ҳаққи йўқ. Устозимиз, раҳматли Фароғат Раҳматова ҳаётининг охириги йилларида ҳасталикка чалиниб қолганди. Шундай шароитда ҳам икки қатор ашула айтсалар, кетларидан худди шундай қайтардиган одам йўқ эди. Асл истеъдод ана шундай бўлади. Бундай устозлар даражасига етишиш учун эса тинимсиз изланиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан маънавиятни юксалтиришга биринчи даражада вазифа сифатида қаралмоқда. Театр санъати

маънавияти юксак баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилувчи асосий маърифат ўчоқларидан биридир. Мамлакатимизда бу соҳа ривожига қанчалар эътибор берилганлигига ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Музикачилик бетақдор санъат қошоналари билан бирга, томошабинларимизни ҳам қайтариб берди. Биз

ҳар ойда қамада йиғирматла спектрликлари аншлаб билан ўйнаймиз. Лекин саҳнада замон қаҳрамони қиёфасини тўлақонли яратиш борада жиддий изланишимиз зарур. Аввало, театр раҳбарияти, режиссёрлар, драматурглар масъулиятни ҳар қачонгидан ҳам теранроқ ҳис этиб, ижод қилиши шарт.

Юксак мукофот бундан буён масъулиятни янада чуқур ҳис қилиб, ижодимга жиддий назар ташлашга ундайди. Мухлисларнинг хабари бор, спектаклларда роллар ижро этишдан ташқари бир неча асарни саҳнага олиб чиқдим. Улар орасида "Тўда", "Тошкентнинг нозанин маликаси", "Синфдош ёхуд қўвчиликка номзод" сингари спектакллар бор. Ўтган мавсумда катталар учун "Осмонга сиймаган қуш", болаларга

аталган "Занжирбанд малика" спектаклларини саҳналаштирдим. Кучли адабий заминга эга бўлган асарлар устида мутахассислар билан бамаслаҳат ишлашни ният қилганман. Мутафаккир Алишер Навоий асарлари асосидаги "Лайли ва Мажнун" спектаклини ёшлигимдан яхши кўраман. Илгари бу асар давр тақозосига кўра маълум чеклашлар билан қўйилганди. Насиб этса, мумтоз адабиёт билимдонлари кўмагида уни қайтадан саҳнага олиб чиқмоқчиман.

Шунингдек, актёр сифатида саҳнада ҳам, кинода ҳам қиладиган ишларим йўқ. Очиғи, энди ўзим яратётган образларни янада теран тушуниб, ҳис қилиб ўйнаймман. Айнан шу ҳолат бундан буён яратажак образларимнинг мукамал бўлишига ёрдам беради, деб ўйлайман.

Нигорхон НАЗАРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

МИЛЛИЙ РАҚС ЖОЗИБАСИ

— Ўзбек, қорақалпоқ миллий рақслари асарлар ҳикматини ўзида акс эттирувчи кўзгуга ўхшайди. Ҳар сафар ана шу биродар халқларнинг ўйинларини ижро этганимизда мисоли ўтмиш садоларини тинглагандек қалбим ҳажжонга тўлади. Бир-бирига ўхшамас, теран мазмунга эга хатти-ҳаракатлар, нафис хиромлар, бетакор куй оҳанглири замон ва макон танламаслигини англайман. Миллий рақсларда ҳам худди шундай ажойиб ҳислат бор. Улар ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳар бир миллий рақс ўзига хос тарихга эга ва маънавий, моддий ҳаёт билан chambarchас боғлиқ. Миллий рақсда у тегишли бўлган халқнинг раъсий образи яшайди. Кенг маънода миллий рақс Ватанини улуғлайди. Бундай ўйинларни ижро қилганимизда юрак ўртанади, барча ҳаракатларининг гўё қудратли бир куч бошқаради. Миллий рақсларни уни яратган миллат вакилларида кўра ҳеч қим мукамал ижро қилолмаслиги сири шунда.

Истиқлолимизнинг йиғирма тўрт йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган байрам шодиёналарига назар соларкансиз, биз эришган озодлик, тинчлик, фаровонлик миллий рақсларимизда ўзининг ёрқин ифодасини топаётганини кўрасиз. Ана шу эзгу ғояларни тараннум этаётган рақс усталари қаторида менга ҳам ижод қилиш бахти насиб этганидан фахрланаман. Юртимизда рақс санъати ривожига кенг имкониятлар яратилаётир, замонавий музика ва санъат мактаблари, мутахассис маданият ва санъат саройлари, амфитеатрлар барпо этилиб, ёш истеъдод соҳиблари, моҳир санъаткорлар ихтиёрига топширилмоқда.

Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган ва бутун жаҳон нигоҳини ўзига тортган "Шарқ тароналари" халқаро музика фестивалини олайлик. Назаримда, ушбу санъат анжумани миллий рақс санъатимиз аъёнларини тарғиб қилиш учун ҳам кенг йўл очаётир. Ижодим мисолида гапирадиган бўлсам, мен фаолият юритиб келаётган "Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамбли жамоаси билан биргаликда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида уюштирилган ижодий сафарларда қатнашдим, нуфузли танлов ва фестивалларда миллий санъатимизни намойиш этиш шарафига муяссар бўлдим. Мамлакатимизда ўтказилаётган байрамлар, санъат анжуманларида мунтазам иштирок этиб келмоқдаман. Бундай жўшқин ижодий муҳит маҳоратимни янада чархлашга, миллий рақс ижросида янги чўққиларни забт этишимга замин яратган шубҳасиз.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвонига сазовор бўлдим. Камтарона ижодим бундай катта эътиборга лойиқ топиладиган беҳад хурсандман. Тугилиб ўсган юртингда, ўз мухлисларинг қаршисида эътирофга эришиш ўзгача гуруҳ бағишлайди. Санъатга бўлган муҳаббатинг, ҳурматинг ошади, ўз устингда ишлаш, янги марраларни забт этиш иштиёқи жўш уради. Энг муҳими, келажакда янада катта умид билан назар соласан. Ижодкор сифатида ўзимга билдирилган улкан ишонччи оқлаш — асосий бурчим, деб биламан.

Сабина МУСТАФИНА ёзиб олди.



МУЗЕЙЛАР ҲАФТАЛИГИ

Юртимиз фуқароларининг маданий-тарихий меросдан фойдаланиш ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида ҳар йили 2-8 сентябр кунлари "Музейлар ҳафталиги" ўтказилади. Бу йилги ҳафталикда ҳам мамлакатимиздаги барча музейлар фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистон Амалий санъат музейи жамоаси тадбир давомида музикачилигимизнинг 24 йиллигига бағишлаб "Ўзбегим либослари" ва "Санъатлар уйғунлиги: Тошкент чинилари ва миллий кашталар" кўргазмаларини мухлислар эътиборига ҳавола этди. Шунингдек, "Каштачилик" ва "Кулолчилик", "Ёғоч ўймакорлиги", "Лок миниатюраси" бўйича маҳорат дарслари ўтказилмоқда. "Музейлар ҳафталиги"нинг илк лойиҳаси Амалий санъат музейининг "Ўзбегим либослари" кўргазмасидир. Кўргазма экспозициясида ўзбек миллий либослари ҳамда миллий матолар каби амалий санъат асарлари ўрин олган. Қадимий либосларнинг намуналари ҳозиргача асосан қариялар ва ёш болалар либосларида сақланган. Масалан, Бухоро ва Хоразм воҳасида улар гуппи, жубба, гуппича, Фарғона водийсида гуппи қўйлак ёки гуппича номлари билан маълум. Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида кенг тарқалган ва Хоразмда қисман сақланган мурсак, мунисак ёки калтачадан ўтган асрда аёлларнинг кунлик либоси сифатида фойдаланилган диққатга сазовор. Кўргазмага ўзгача жило бериб турган матолардан аёллар ва эркеклар учун миллий либослар тайёрланган.

"Ўзбегим либослари" кўргазмаси тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларига музикачилик йилларида ҳунарманд усталар томонидан яратилган бетакор асарларни яқиндан кўриш имконини беради. Тадбир доирасида Рассомлик коллежининг "Тарихий театр" кафедраси ўқувчилари яратган замонавий ва миллий либослар тўпламининг тақдими бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ ҳофизси Ҳасан Ражабий, Яқкасарой тумани маданият ва спорт бошқармаси бадий жамоалари дирекцияси хонанда, созанда, раққосалари ўзларининг музикаий чиқишлари билан барчани хушнуд этмоқдалар.

Гавҳар ЖАЛОЛОВА

Журналларни варақлаганда



"МОЗИЙДАН САДО"

2015 йил, 3 сон



Журналнинг мазкур сони Ўзбекистон музикачилигининг 24 йиллигига бағишланади. З.Ҳакимовнинг "Маънавий юксалиш даври" деб номланган бош мақоласида халқимизнинг асрлар давомида музикачиликка бўлган интилиш, юксалиш оидларини, ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик-барқарорлик, қадриятларимизнинг тикланиши каби масалалар ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Асрий аъёнларимизни ўзида мужассам этган бой номоддий маданий мерос, унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида Р.Абдуллаевнинг "Номоддий маданий мерос ва замонавийлик" мақоласида ўқиш мумкин. М.Аҳмедовнинг "Тошкент — тарих ва истиқбол" мақоласида 2200 йиллик тарихга эга бўлган қадимий ва навакирон гузал Тошкентнинг тарихи ва бугуни ҳақида гап боради. Дипломатия асрлар мобайнида инсоният цивилизацияси тараққиётида алоҳида аҳамият касб этиб келган. Бу борада Д.Сайфуллаевнинг "Шарқона дипломатия аъёнлари" мақоласида берилган маълумотлар кўпчиликини қизиқтиради, деб ўйлаймиз.

Б.Ҳошимов, А.Турдиалиевнинг "Истиқлол орусси" мақоласида 1915 йилдан Тошкентда чоп этила бошлаган "Ал-Ислох" журналі ҳақида кенг тушунча берилган бўлса, Ҳ.Саид Фанининг "Деворларга битилган тарих", Д.Зияевнинг "Хоразмнинг тарихий обидалари", К.Краҳмалнинг "Сирдарё соҳилидаги ерости эҳромлари", Э.Мирзаназаровнинг "Қадимий Хоразм либоси" каби мақолаларида ватанимизда қад рўстлаган тарихий меъморий обидалар, нобд дурдоналар, уларни сақлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида қизикarli маълумотларни ўқиш мумкин.

Машхура РАХИМОВА

Театр санъати эстетик завқ манбаи бўлиш билан бирга мухлислар қалбига умид, руҳий далда бағишлашга, ҳаётга ишонч туйғусини ўстиришга қодир. Мамлакатимиз музикачилигининг йиғирма тўрт йиллигига бағишлаб Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган хайрия томошаси ҳам ана шу эзгу мақсаднинг амалий ифодасига айланди. Пойтахтимиздаги ногиронлик уйлари тарбияланувчилари эътиборига музикаий, театрлашган ижодий чиқишлар ҳавола этилди. Ёш санъат ихлосмандлари катта саҳна руҳини ҳис этиб, профессионал актёрлар ижросидан баҳра олдилар.

Тадбир

— Театримиз кичик ёшдаги мухлисларга тўлганини кўриш ижодий жамоамизга қувонч бағишлади, — деди Миллий театр директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудов. — Репертуаримиздан ўрин олган саҳна асарларининг асосий қисми катта ёшдаги томошабинлар учун мўлжалланган бўлса-да, хайрия томошаси биз учун бўлажак мухлисларимиз билан учрашиш имконини берди. Жисмоний имконияти чекланганига қарамай, бу болалардаги санъатга қизи-

қишни қўриб хайратга тушдик. Келажакда нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимиз вилоятларида ҳам шундай томошаларни кўрсатиш ниятимиз бор.

Тадбир доирасида таниқли театр актёрлари, режиссёр ва драматурглар билан учрашув бўлди. Ёш санъат ихлосмандлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш жараёнида театр санъати борасидаги билимларини ҳам кенгайтиришди. Улар театр фаолияти, унинг қошида ташкил этилган болалар студияси ҳамда музей билан яқиндан танишишди.

Лола ИБРОҲИМОВА

